Ушбу сонда:

2 БОР БЎЛ, МЕҲРУ ОҚИБАТ!

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА

4 *Истеъдод* ХОНҚАНИНГ ЗАРДЎЗ ҚИЗЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 4 феврал, жума № 20 (1861)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

УЙЛАР ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

Наманган вилояти марказидаги қатор уйларга «Энг яхши уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти тажрибаси» танловида ғолиб чиққан уй-жой мулкдорлари ширкатига мансублигидан далолат берувчи лавҳалар осиб қўйилди. Бу танлов Урбан Институт/Тошкент АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Наманган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўзларининг ва ҳомийлар маблағларидан ташқари, 27 минг АҚШ долларига тенг грантни ўзлаштирди. Хусусан, 5 минг доллар миқдорида рағбатлантирувчи мукофот олган «Минг терак» уй-жой мулкдорлари ширкатида кенг миқёсда таъмирлаш ишлари бажарилди. «Мулкдор», «Ҳамжиҳатлик», «Водий Наманган» ва бошқа ширкатларда ҳам шундай ишлар амалга оширилди.

Яқинда уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан Урбан Институт ҳамкорлигининг янги қирраларини очиб берувчи яна бир танлов эълон қилинди. Унинг энг фаол иштирокчилари ўз уйлари аҳволи ва кўринишини яхшилаш имкониятига эга бўлади.

ХЎЖАЛИК СУДИ:

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва хўжалик судларининг 2004 йилдаги фаолияти якунларига оид масалалар муҳокама этилди.

Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилаётир.

Судлар эндиликда нафақат фуқаролар, балки хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, тадбиркорлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланди. Тадбиркорларнинг ўз манфаатлари ҳимояси юзасидан хўжалик судларига мурожаатлари сони йилдан-йилга кўпаяётгани, жумладан, 2003 йил 55 минг, 2004 йилда эса юз мингдан ортиқ низонинг ҳал этилгани бунинг далилидир.

Хўжалик судлари томонидан фермерлар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар фойдасига 25,3 миллиард сўм ундириш ҳақида қарорлар чиқарилди. Назорат органларининг 346 ҳужжати ҳақиқий эмас, деб топилди. Фермерлар иштирокидаги низолар асосан сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилаётгани эса иш самарадорлигини янада оширмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунини қўллашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Суд санацияси, ташқи бошқарув, кузатув, келишув битими каби таомилларни қўллаш натижасида қарзларини қоплаган 153 корхона ўз тўлов қобилиятини тиклаб олди. 1742 та иқтисодий ночор корхона эса банкрот, деб эълон қилинди.

Йиғилишда мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасидаги масалалар муҳокама этилди. Жумладан, тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини тўла таъминлаш, суд ходимларининг масъулиятини янада кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзА)

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Саломатлик посбонлари

ҚЎЛИ ЕНГИЛ ШИФОКОР

Бу ерларда қиш қаттиқ кечади. Изғирин кўз очирмайди. Шу боис Қашқадарёнинг Миришкор туманида фақат иродалилар фаолият юритади, деган гап бор. Сўнгги йилларда бошқа соҳалар қатори тиббиёт соҳасини ҳам малакали ва билимдон мутахассислар билан мустаҳкамлаш, янги шифо масканлари қуриш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Айниқса, чекка қишлоқлардаги тиббиёт масканлари ибратли фаолият юритаётганлиги кўпчиликни қувонтирмоқда.

Хизмат сафари билан Миришкорда бўлганимизда туман ҳокими Халил Соатов бурч масъулиятини чуқур ҳис этиб ишлаётган кишилар қаторида қўли енгил шифокор Ғайбулла Михлиев ҳақида ҳам илиқ гапларни айтди. Хўжаликларда бўлганимизда эса ноз-неъмат бунёдкорлари «Ғайбуллажон зўр дўхтир, у келгандан буён соғлиқни сақлаш ишлари кўнгилдагидек» дея фикр билдиришди. Автобус манзил томон одимларкан, сўнгги йилларда воҳада рўй берган ўзгаришлар бир-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Кенг ва равон кўчалар, маъмурий бинолар, хиёбонлар ёнатрофга кўрк бағишлаган. Тадбиркорлар сафи кўпайганлиги ва бошқа омиллар шарофати ила бозорларда керакли неъматлар сероб. Муҳими, одамларда эртанги кунга ишонч, иштиёқ кучли.

Туман марказий шифохонаси улкан ва кўркам санаторийни эслатади. У бугунги кунда 86 минг 866 кишига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, «Жейнов» қишлоқ участкаси, «Чандир» реабилитация шифохонаси, 14 та ҚВП, 2 та ҚВА ва бошқа муассасалар эл саломатлигига камарбаста. Уларда 116 нафар малакали шифокор, 157 нафар тиббиёт ходими самарали фаолият юритмоқда. Марказий шифохона бош шифокори ўтган йили даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Туғруқ мажмуаси, жарроҳлик, болалар касалликлари бўлимлари ва бошқа жойларда таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, қиш фаслига тайёргарлик борасида аниқ тадбирлар амалга оширилди. Иссиқлик тармоқлари тартибга келтирилди. Баъзи ерларда хўжалик буюмлари, ошхона жиҳозларига кўпда эътибор берилмайди. Мазкур даргоҳда эса ҳомийлар кўмагида керакли миқдорда янги чойшаблар, идиш-товоқ сотиб олинди.

Туман аҳолисининг аксарияти тиббий кўрикдан ўтказилиб, лозим топилганларга шифохоналарда даволаниш учун йўлланмалар берилди. Меҳр-мурувват йўли билан 229 минг дона ВИТ-А, 880 дона «Мечастрия» ва бошқа воситалар, дори-дармонлар бепул тарқатилди. Бундан ташқари, даволаш-профилактика муассасалари, физиотерапия, лаборатория бўлимлари, рентген, флюография, ЭКГ аппаратлари билан таъминланди.

Шу боис туман шифокорлари хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Аввалари арзимаган касалликни даволаш учун вилоят марказига боришга тўғри келарди. Энди жиддий операциялар ҳам чекка қишлоқлардаги шифо масканларида амалга оширилмоқда.

— Оёғимда яра чиқиб, азоб тортдим, шунда Норбой Жўраев каби жонга-жон шифокорлар малҳам бўлишди, - дейди ҳисобчи Ахтам Ҳайдаров. «Юрагим безовта қилади. Шу боис Тошкентда, Касби туманида даволандим. Аммо шу ердаги шифо масканида жоним оро топди. Тўрт йилдирки, имкон бўлди дегунча Миришкорга келаман. Қўли енгил шифокорлардан бир умр миннатдорман», - дея дил сўзларини изҳор этади уй бекаси Матлуба Номозова.

Туғруқ мажмуасидаги ишнинг тўғри йўлга қўйилиши, саранжом-саришталик дарров эътиборни тортади. Чўли Чориев бош-қош шифокорлар ўз ишларини расамади билан бажаришяпти. Палаталар икки кишилик, шароити яхши. Хоналар ҳарорати 22-26 даражада. Биз борган куни икки нафар ҳомиладор аёл анчайин ташвишли ҳолатда келтирилган экан. Шифокорлар ҳамжиҳат ҳаракат қилиб, она-бола ҳаётини сақлаб қолишди. Шунинг учун ҳам чақалоқларнинг исмини Севинч деб қўйишибди.

Севинч тўла кўзлар узоқ вақт ёдда қолади. Бош шифокор муовини, моҳир акушер-гинеколог Музаффар Элмуродов, унинг сингари ўз касбининг фидойилари Ҳамид Худойназаров, Усмон Жўраев, Холмат Мансуров, Замира Шодмонова ва бошқалар шифокор деган шарафли номни оқлаб келишмоқда.

Равшанки, шифокорларга ҳам эътибор керак. Саломатлик масканида уларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Аввало шинам, барча қулайликларга эга бўлган шароитда фаолият юритишмоқда. Маошлар вақтида олинаяпти. Жамоа шартномасига кўра улар турли имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Ижтимоий ҳимоянинг яхши йўлга қўйилишида шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси Гулора Маркаеванинг муносиб ҳиссаси бор. Қолаверса, бош шифокор Ғ.Михлиев инсон омилига алоҳида эътибор қаратган. Ўтган йили уч нафар ходим «Қашқадарё соҳили», 3 киши «Ситораи Моҳи Хоса», қатор ҳамширалар эса Тошкентдаги «Семашко» номли сиҳатгоҳда, «Товоқсой»да кўнгилли дам олдилар. Кимлардир Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида саёҳатда бўлдилар. Буларнинг ҳаммаси оқ халатлиларга кўтаринки кайфият бахш этмоқда.

Ш.ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» мухбири

Олтиариқ туманидаги «Тонг» машина-трактор парки хўжалик ҳудудидаги 23 та фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Айни кунда МТП ихтиёридаги чопиқ тракторлари, чигит экиш, ер ҳайдаш, текислаш мосламалари мавсум учун тахт қилинди. Машина-трактор паркида бажарилган иш кўламлари устидан қатъий назорат ўрнатилган бўлиб, ҳар бир техника воситаси мутахассислар ёрдамида синчиклаб текширилганидан сўнг мавсум ишларига жалб этилмоқда. Ўз навбатида техникаларни мавсумга ҳозирлаш ишларида ўрнак бўлган таъмирловчилар парк маъмурияти томонидан рағбатлантириб бориляпти.

Суратда: механизатор Жумабой Йўлчиев.

Нуқтаи назар

КИЧИК БИЗНЕС УЛУШИ

Тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Минг афсуски, ўзимиз яхши конунлар яратамиз-у, ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз... Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар.

Бу сўзлар Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан. Чинданам ҳозирги кунда истеъмол бозорини мўлкўл этишга муносиб ҳисса қўшаётган кишилар – фермерларни қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамият касб этади. Фермер бойиса, кўпга нафи тегади, деганларидек, улар яхши ишлаш билан бирга хайрли юмушларнинг амалга ошишига ҳам бош-қош бўлишмоқда. Шу ўринда бир мисол.

Мустақиллик Абдувоҳид Маҳмудовга ҳам кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқаришга имкон берди. Деҳқон фарзанди жамоа хўжалигида чорвачилик оқсаб турган бир шароитда фермер хўжалигини ташкил этди. Шогирдлари билан фидокорона меҳнат қилди. Икки йилда қорамоллар сонини 50 бошга етказди. Ҳаёт энг яхши муаллим. Вақт ўтиши билан А.Маҳмудов яхши ташкилотчи, тадбиркор ва ташаббускор эканлигини амалда кўрсатди. 74 гектар майдонда пахта ва ғалладан баракали ҳосил етиштирди. Ғалла ҳосилдорлиги ўтган йили 61 центнерни ташкил этди.

Бўлмаса бир хил шароитда фаолият юритиб, режани ҳам дўндиролмаётган кишилар бор. Сабабини сўрасангиз, фермер: ҳамма гап ерга меҳр қўйиш, уни эъзозлашда, деб жавоб беради. Шу боис Абдувоҳид ака билан елкама-елка ишлайман, деб орзу қилувчилар сони кўпаймоқда. Шахсий хўжалик аъзолари яхши ишлаб, яхши яшашяпти. Уларнинг чўнтаги пул кўрди. Шунинг ҳисобидан уйлар қуришмоқда, тўйлар қилишмоқда.

– Фермер хўжалиги ўзига керакли техникага эга бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин, - дея фикрини ифодалайди А.Маҳмудов. – Сўнгги йилларда имконият ва имтиёз яратилган бўлса-да, кўпгина тадбиркорлар бундан фойдалана олмадилар. «Соҳибжон» фермер хўжалиги эса «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» вилоят бўлими мадади билан тўртта техникали бўлди. Эндиги нияти тракторлар сонини кўпайтириш. Айни кунларда қишки юмушлар обитобида амалга оширилмоқда. Ҳамма ўз ишини вақтида, сифатли амалга оширади. Пировард натижа учун барча бирдек масъул. Даромадга қараб буромад, деганларидек, савобли ишларга ҳам Абдувоҳид ака ва унинг шогирдлари имконият даражасида ҳисса қўшишмоқда. Кам таъминланган оилалар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаяпти. Бундайларга бултур кузакда 6 тонна буғдой тарқатилди.

Куни кеча фермер даласида бўлдик. Ғалла майсалари барқ уриб ривожланмоқда. Ниятлари 2005 йилда гектаридан 65 центнердан сара дон топшириш. Миришкорларнинг таъкидлашларича, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтилган адолатли танқиддан кўпчилик ўзига тегишли хулоса чиқармоқда. Ерга бўлган муносабат ҳозирнинг ўзидаёқ яхши томонга сезиларли даражада ўзгарди.

Эндиликда кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтириш юзасидан кенг кўламдаги саъй-ҳаракат олиб борилмоқда. Таъкидланганидек, 2007 йилга келиб кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Бу каби эзгу мақсадларга эришиш омилларидан бири ишда ўзини кўрсатган, кўп ва сара маҳсулот топшираётган фермерлар тажрибасини кенг оммалаштиришдир. Илғор тажрибалар кўпчилик мулкига айлангандагина катта наф келтиради.

А.ҚОРАБОЕВ, тадбиркор

СОДДАЛАШТИРИЛГАН РЕЙТИНГ ТИЗИМИ

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида ўқувчилар билимини баҳолашда кўп балли рейтинг тизими жорий этилган. Амалиёт бу усулнинг афзалликлари билан бир қаторда ўзига хос мураккабликлари ҳам мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, балларни назорат турлари бўйича саралаш ҳамда чорак якуни ҳисоб-китоблари учун педагоглар бир мунча қўпроқ вақт сарфлаётгани маълум бўлди.

Шу боис Халқ таълими вазирлигининг махсус ишчи гуруҳи «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражасини аниқлашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги низомнинг янги таҳрирдаги вариантини яратди. У ҳозир 20 та умумтаълим мактабида тажриба-синовдан ўтказилаётир. Кўп балли рейтингнинг соддалаштирилган бу варианти ўқувчи олган билимнинг ўзлаштирилишини назорат қилишни анча осонлаштиради.

Республика таълим маркази ташаббуси билан ўтказилган семинарда мазкур мактабларда иккинчи чорак якунлари атрофлича таҳлил этилди, ўқувчилар билимини баҳолашнинг соддалаштирилган варианти анча самарали экани таъкидланди.

(ЎзА)

«Ишонч» фош этади

ЯШИРИН ЦЕХ–КАСОФАТ

Мавжуд конунларни менсимай, ажабтовур хатти-ҳаракатлар содир этаётган кимсалар йўқ эмас. Бўлимимиз ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, Ўзбекистон республика бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорларини ижро этиш мақсадида изчил фаолият юритмоқда. Асосий эътиборимиз солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва яширин фаолият кўрсатувчи цехларни аниклашга, давлат бюджетига қўшимча равишда пул маблағлари ҳисоблаб, уларни ўз вақтида ундиришга ҳамда етказилган зарарни қоплашга қаратилмоқда.

Шу мақсад йўлида ўтган йили 77 та режали текшириш ўтказилиб, 20 ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди. Ўтказилган тафтишлар натижасида 115 миллион 683 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланди. Шундан давлат бюджетига 22 миллион 154 минг сўм, олдинги йиллардан ҳисобланган қўшимча солиқ ва молиявий жарималардан эса 14 миллион 554 минг сўм ундирилди. Олиб қолинган товар-буюмлар давлат ҳисобига ўтказилди. Ўтган йили 24 феврал кеч соат 7 лар чамаси Беруний ширкат хўжалигининг Навоий бўлимида яшовчи фуқаро Шерипбай Рейимбоевнинг гаражида ноқонуний равишда аммофос минерал ўғити сақланаётганлиги ҳақида тезкор маълумот олинди. Дарҳол текширув ўтказилди. Ҳужжатсиз, сотиш мақсадида белгиланган жойда яшириб қўйилган 3 минг 338 килограмм аммофос минерал ўғити «Қишлоқхўжаликкимё» туман ҳиссадорлик жамияти дўкон мудири Мақсуд Алламовга дахлдор эканлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат бўйича Жиноят Кодексининг 167-моддаси 2-қисмига кўра жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув олиб борилди. Пировардида 9 миллион 710 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарима ҳисобланиб, бюджетга тўлиқ ундирилди. Идорага етказилган зарар қоплатилди. Туман жиноят ишлари бўйича суди қонунга асосан фуқаро М.Алламов ва А.Қўчқоровлар устидан адолатли ҳукм ўқиди.

Урганч шаҳрилик Рўзмат Бобожонов беруниийлик таниши Октам Егамбергенов номига «Егамбергенов Октам» хусусий фирмаси ташкил этиб, улгуржи савдо фаолияти юритиш ниятида рухсат гувоҳномаси олиш учун зарур ҳужжатларни сохталаштирган. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилар, деганларидек, Р.Бобожоновнинг ҳийласи ўтмади. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли бандига кўра айбли деб топилиб, жазога тортилди. Қўшимча солиқ ва молиявий жарима ҳам тўлади.

Яна шунга ўхшаш 51 ҳолат бўйича маъмурий ишлар қўзғатилди. Тегишли идоралар қарорларига биноан ҳуқуқбузарларга 1578.7 минг сўм жарима солиниб, шундан 1546.1 минг сўм ундирилди. Олиб қўйилган 5289.1 минг сўмлик товар бойликлари мусодара қилинди. Текширишлар жараёнида 7429.4 минг сўмлик қўшимча солиқ ва молиявий жарима қўлланилди. Етказилган 351.7 минг сўмлик зарар тўлиқ қопланди. Бундан ташқари 3 та ҳолат бўйича яширин цехлар фош этилди. 3 дона қўлбола мойжувоз мосламаси, 27.8 минг сўмлик чигит, 840 килограмм кунжара, 66 килограмм жувоз мойи олиб қўйилди. Маъмурий ишлар бўйича ҳуқуқбузарларга 27.2 минг сўм, 2 ҳолатда эса суд ҳукмига асосан айбдорларга 190.6 минг сўм жарима солинди.

Тезкор маълумотларга кўра, Беруний шаҳар «Дўстлик» кўчаси, 6-уйда яшовчи фуқаро Муротбой Умаровнинг хонадони кўздан кечирилганида, унинг молхонасида қўлбола мойжувоз ишлаётганлиги, хонада эса 701 килограмм чигит, 36 килограмм мой, 196 килограмм кунжара, жувоз мосламаси борлиги маълум бўлди. Ушбу далилий ашёлар олиб қўйилди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 171-моддаси 1-қисмига биноан жиноий иши қўзғатилиб, суриштирув олиб борилди. Натижада М.Умаров суд ҳукмига асосан айбли, деб топилди. Туман деҳқон бозорида ўтказилган рейд давомида фуқаро Фарҳод Ўразбоев А.Розимовга 400 АҚШ долларини 416 минг сўмга сотаётганида қўлга олинди. Валютафуруш тинтув қилинганида, унинг чўнтагидан 4 минг 400 қозоқ тангаси, 5 ЕВРО, 120 минг сўм ва 1 дона калькулятор чиқди. Унга нисбатан ЎзР МЖТКнинг 170-моддасига асосан 26 минг 120 сўм жарима солинди ҳамда далилий ашёлар давлат ҳисобига ўтказилди.

Худди шунингдек, 3 ҳолат бўйича валютага оид ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 1 та жиноий ва 2 та маъмурий иш қўзғатилди. Пировардида ҳуқуқбузарлардан 2272.7 минг сўмлик чет эл валютаси олиб қўйилди. Жиноий иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, туман ЖИБ суди ҳукми билан энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида жарима солинди.

Туман ДСИ билан ҳамкорликда тузилган режага асосан 26 марта текшириш ўтказилди. Натижада 4294.2 минг сўм қўшимча солиқ солиниб, молиявий жарималар ҳисобланди. Шундан 2992.0 минг сўми бюджетга ундирилди.

Ҳуқуқ-тартибот ва департамент идоралари фаолиятига ошкоралик беришга доир жойларда 148 та тадбир ўтказдик. Булар яхши натижа бераётир.

Мирза МАДРАИМОВ Беруний тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи, 2-даражали юрист

ҚАМЧИҚ ДОВОНИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан олинган маълумотга кўра, 2005 йилнинг 1 феврал куни соат 10.00 да қор кўчкилари тўғрисида олдиндан хабар бериш «Қамчиқ» станцияси навбатчисидан шу куни соат 12.00 дан бошлаб Тошкент-Ўш автойўлининг 151- ва 176-километрлари оралиғида қор кўчиш эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар келган. Шу сабабли Наманган-Тошкент ва Тошкент-Ўш автойўлининг айрим участкаларида ҳаракат вақтинча тўхтатилди. Ушбу йўлнинг хавфли қисмида бўлган барча автоулов ва фуқаролар «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди, «Автойўл» давлат акциядорлик компанияси, Давлат тоғ техника назоратининг тоғ-қутқарув қисми ва Ички ишлар вазирлиги ўт ўчириш бўлинмалари томонидан эвакуация қилинди. Тошкент-Ўш автойўлининг айрим қисмларида соат 14.00 дан 14.20 гача қор кўчиши рўй берди.

2 феврал куни соат 07.30 ва 07.45 да мазкур йўлнинг баъзи участкаларида турли ҳажмдаги қор кўчкилари рўй берди, натижада йўлнинг айрим участкалари тўсилиб қолди.

Қор кўчкисини тозалаш ишларига «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди, Давлат тоғ техника назоратининг ҳарбийлашган тоғ-қутқарув қисми, йўл қурилиши хизмати ва ёнғинга қарши курашиш бўлинмаларидан 415 киши ҳамда 99 махсус техника жалб этилди.

Қор кўчиши оқибатида «Автойўл» давлат акциядорлик компанияси махсус бўлинмасининг ишчилар вақтинча яшайдиган 8 вагони қор остида қолди, вагонда бўлган 4 ишчи ҳалок бўлди.

Қор кўчиш хавфи бор ҳудудларни ўрганиш вақтида УАЗ-469 русумли автомашинани кўчки олиб кетган, натижада Бошгидромет хизматининг икки ходими шикастланган. Эвакуация қилинганидан сўнг улардан бири - автомашина ҳайдовчиси - тан жароҳатлари оқибатида вафот этди. Иккинчи ходимнинг аҳволи қониқарли.

(ЎзА)

Ўзбекистон умумий уйимиз

Александра ГОРБУНОВА: «ЯХШИЛАР КЎП ЖАҲОНДА»

Мактуб поёнига етмасданоқ Александра Ивановнанинг кўз ёшлари ёноқларига инди. Ҳар гал у Евгения мактубини кўзларига суртиб ўқийди. Ахир у ёлғиз жигаргўшаси. Гарчанд олис бўлса-да, хат орқали дийдорлашганда у онасини она юртга – Россияга чорлайди. Аммо Александра унамайди. Тақдири азалдаги битик шу экан. Қайноқ даврини, фароғатбахш кунларини ўзбеклар орасида — Ўзбекистонда ўтказди. Бу гўшага кўнгил қўйди. Яқинлари ҳоки-пойлари ҳам шу заминдан ўрин олди. Евгенияни ташвишга солган ёлғизлик ҳали унга соя солгани йўқ. Ахир, кўни-қўшниларни қандай кўзи қийсин. Жавоб йўллашга шошар экан ўтган умри яна бир бор тасаввурида жонланди.

«Дўстлик» ёрдамчи хўжалигида чаққон қизни фермага ишга олишди. Жониворларга меҳри баланд Александра аввал бузоқларни парваришлади. Кейинчалик сигир соғувчиликка ҳавас қўйди. Қирқ йилдан ошиқ бу касбни шарафлади. Кўплаб шогирдлар тарбиялади. Мана йигирма йилдирки, қарилик гаштини сураяпти. Тақдир сўқмоқларида одимлаш осон кечмади. Яқинлари полопонлардек тарқалиб кетишди. Ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз ўзи қолди. Аммо у маҳалла аҳли меҳри, қўшнилар ардоғидан бенасиб қолмади. Қариб-қартайганда қўшнилар кўнгилга таскин, дардларига малҳам бўлаяпти. Қишлоқда борини табаррук онахон билан баҳам кўриш пайида бўлганлар кўп.

– Мен Дўстлик қишлоғидан ўзга ҳеч ерда ҳаловат тополмайман, - дейди Александра Горбунова. Олисдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал деган ҳикмат бор. Ўз уйим – ўлан тўшагим. Шу боис кўч-кўронини ортмоқлаганларга ачинаман. Тўғрисини айтганда, мендек кекса дунёнинг ҳеч ерида ўзбеклар орасидагидек эркин, обрў-иззатли бўлолмаса керак.

Мирзаобод туман ҳокимлиги ва туман ижтимоий таъминот бўлими ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари, иссиқ кийим-кечаклар келтиришибди. Унга бириктирилган вакил Алиқул Қаршибоев кексалар ғамхўри. Иссиқ-совуғидан бохабар. Туманда Александра Горбуновага ўхшаш ёлғиз қариялар 24 кишидан иборат. Ўтган йилда уларга 1 миллион сўмдан ошиқ мурувват ёрдами кўрсатилди. Ўзгалар ёрдамига муҳтожлар саломатлигини мустаҳкамлаш, бепул доридармон, 9 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб келиняпти.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

БОР БЎЛ, МЕҲРУ ОҚИБАТ!

ЁЛҒИЗ ПЕНСИОНЕРЛАР

доимий эътиборда

Ҳар куни ўзимга қадрдон бўлиб қолган файзли йўлдан корхона томон борарканман, ишчи-хизматчиларга меҳр ила тикиламан. Улардаги шижоат, ишонч, иштиёқ ҳиссини кўриб кўнглим кўтарилади. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Аввало инсон ўзи яшаётган корхона, ташкилотдан, унга кўрсатилаётган эътибордан, олаётган маошидан кўнгли тўлиши керак. Шунингдек, меҳнат муносиб қадрланса ишчи бутун меҳрини севган касбига бағишлайди, яхши ишлаш билан бирга ташаббус кўрсатади.

Ҳозирги кунда Андижон «Пахтасаноат» ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Ўқчи» пахта тозалаш заводида 450 нафар киши меҳнат қилади. Бизнинг шароитда одамларни махсус кийимбош билан таъминлаш, дам олиш хонасини жиҳозлаш, маданий-маиший хизматни намунали йўлга қўйиш алоҳида аҳамият касб этади. Булар маъмурият ва касаба уюшма томонидан ҳисобга олинган. Жамоа шартномасига ишловчилар соғлиғини муҳофаза қилишга оид алоҳида бандлар киритилган. Сидқидилдан меҳнат қилаётганлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилибди. Ўртача ойлик маош 55 минг сўмни ташкил этаяпти. Ишчи-хизматчиларга уч маҳал бепул иссиқ овқат бериш йўлга қўйилган. Ҳар йили ушбу мақсадлар учун 5 миллион сўмга яқин маблағ ажратилади. Зарарли иш шароитида фаолият юритаётганларга сут ва сут маҳсулотлари берилади. Фикримча, ютуқларимизнинг бош омилларидан бири бу кишилар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат-дир. Ходимлар бир-бирларини қўллаб-қувватлаб яшашга одатланишган. Тўйлар-ку ўз йўлига, бирор кишининг бошига ташвиш тушса, кўплашиб ёрдамга ошиқамиз. Ҳамкасбимиз мушкулини осон этиш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Корхона тасарруфида 2 гектарлик ёрдамчи хўжалик мавжуд. Унда турли неъматлар етиштириляпти, 20 бош қорамол парваришланяпти. Ишчилар ошхонасига, қолаверса, ишловчилар учун арзон нархда гўшт ва сабзавот маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Корхона иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олгач, энг яхши сиҳатгоҳларга йўлланмалар бера бошладик. Жумладан, ўтган йили сўлим масканларда 55 нафар ишчи-хизматчи дам олиб, соғлиғини мустаҳкамлади. Бунинг учун 4 миллион сўм сарфланди. Ҳар олти ойда бепул тиббий кўрикдан ўтказиш амалга оширилади. Касаба уюшма қўмитаси аъзолари, фаоллар цехларда бўлиб, одамлар кайфияти, таклиф-мулоҳазалари билан қизиқадилар. Яқинда меҳнат фахрийлари ташаббуси билан кўп болали оилалар фарзандларининг суннат тўйини ўтказдик. Ҳар бир тўй болага атаб омонат дафтарчалари очилди. Меҳр-оқибат яхшилигини яна шунда ҳам кўрса бўладики, боқувчисини йўқотган, ёлғиз пенсионерлар доимий эътиборда бўлишмоқда. Улар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келиняпти. Энг муҳими, инсонга эътибор, бир оғиз ширин сўз билан кўнглини овлашдир, албатта. Қаерда ҳамжиҳатлик, соғлом муҳит юзага келган бўлса, ўша ерда қувончли натижаларга эришилади.

Ф.ҲОСИЛОВ,
корхона касаба уюшма қўмитаси раиси

ИНСОН ҲАМИША БАХТГА ИНТИЛАДИ

Боши фалакка тенгдир, мағрурдир инсон, деган калимада олам-олам маъно бор. Барча ноз-неъматлар яратувчиси бўлмиш ишчи-хизматчиларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳисобот даврида бошланғич ташкилотлар сони янада ортди. Аниқроғи, улар бештага кўпайиб, аъзоларимиз сони 267 нафарга етди.

Сир эмас, касаба уюшмаларининг жамиятдаги тутган ўрни, мавқеи аввало бошланғич ташкилотларнинг жанговарлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бизда кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган, кўпгина хайрли ишларга бошқош бўлаётган касабақўм етакчилари талайгина. 3-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Муҳаббат Миноварова уларнинг бири. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Имкон бўлди дегунча фахрийларимиз ҳолидан хабар олади, уларнинг яшаш шароити билан қизиқиб, лозим бўлганида амалий ёрдам кўрсатади. Бундай илиқ гапларни Марҳабо Султонова ва Ҳуринисо Маманазарова сингари жонкуярлар шаънига ҳам айтиш мумкин.

Яқинда ёшларни тарбиялаш ишига катта меҳнати синган табаррук ўқитувчилардан бири бизга юзланиб, юқорида номлари зикр этилган касабақўм раисларидан ғоятда миннатдор эканлигини маълум қилди. Айтишича, онахоннинг уйи хашар йўли билан таъмирдан чиқарилибди. Бироқ, инсонни қадрлаш, ташкилотчилик ишларини намунали йўлга қўйиш борасидаги тадбирлар барча ерда бирдек амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу ҳақда алоҳида гап борди. Қатор мактаблардаги аҳвол танқид остига олинди.

Биз Меҳр ва мурувват йилида алоҳида дастур ишлаб чиқиб, уни изчил амалга оширдик. Хайрли, савобли ишлар давом эттириляпти. Ҳисобот йиғилишларида ёрдамга муҳтож ходимларимизга қарийб бир миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилганлиги, олис қишлоқлардаги ўқув муассасаларини янги дарсликлар, қўлланмалар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшилганлиги таъкидлаб ўтилди. Оталиқ ташкилотлар ҳам хайрли ишдан четда туришмаяпти. 18 нафар ёлғиз яшовчи ўқитувчининг уйи таъмирдан чиқарилганлиги, фахрийлар саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор кучайганлиги барчани қувонтирди. Ўзимча шундай фикр қиламан, чин қўнгилдан қилинган эзгу иш бир кун келиб, албатта ўз самарасини беради.

С.МУСАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Ўрта Чирчиқ туман кенгаши раиси

ОИЛА САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Яккабоғ тумани. «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини таркибида 5 та қишлоқ бўлиб, 10 минг 164 нафар аҳоли умргузаронлик қилади.

Ҳудуд аҳлининг яшаш тарзи ёмон эмас. Қишлоқлар деярли газлаштирилган. Фуқаролар йиғинининг саъй-ҳаракати ўлароқ кам таъминланган 2 та хонадонга ҳам табиий газ тушириилди. Бундан уларнинг боши кўкка етди. Шунингдек, меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигига эътибор кўнгилдагидек. 1-қишлоқ врачлик амбулаторияси, 5-фельдшер-акушерлик шохобчаси тиббий хизматга шай. Бундан ташқари, 4-мактабда болалар фан сирларини чуқур эгаллаяпти. Боғча эса кичкинтойлар билан гавжум.

Бугунги кунда спортга қизиқиш республикамизда кенг ёйилди. Жумладан, бу ерда ҳам спорт ишқибозлари сероб. Айниқса, ёшлар ўртасида бу ҳол яққол сезилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги зал спортнинг миллий кураш ва бокс тури мухлислари билан гавжум. Уларда мураббийлардан А.Ибрагимов ва М.Мусурмоновлар машғулот олиб боришмоқда. Бокс тўгарагидаги ўсмирлар сони 40 нафардан ошиб кетди. Полвон бўлишни орзу қилаётганлар ҳам кам эмас. Шунинг учун туман ҳокимининг қарори билан бу мақсадга 1 гектар ер ажратилди. Ҳадемай бу майдон замонавий ўйингоҳга айланади, унда қизиқарли мусобақалар ўтказилади.

Ижтимоий ҳимоя долзарб вазифалардан бири. Бу майдонда ҳам маҳалла фуқаролар йиғини самарали меҳнат қилаётир. Хусусан, нафақалар ўз вақтида берилиб турилибди. Ҳудуддаги кам таъминланган оилалар эътиборда. Шу йилнинг ўзида фуқаролар йиғини томонидан уларга 1 миллион 115 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бу борадаги ишлардан фермер хўжаликлари ҳам четда қолаётгани йўқ. Дилмурод ва Қўтонбой фермер хўжаликлари кам таъминланган, муҳтож оилаларга ем-хашак ва озиқ-овқат маҳсулотларидан қарашди. «Зоғча» фермер хўжалиги иккита ночор оиланинг уйини таъмирлаб берди. «Гишт» ишлаб-чиқариш корхонаси эса фуқаролар йиғининининг қарорига кўра уч хўжаликка уй қуришда ёрдам кўрсатди. «Йўлчи» акциядорлик жамияти раҳбари Нормўмин Жумаевнинг ташаббуси билан қишлоқ йўллари текин таъмирланди.

Фуқаролар йиғини қошида яраштирув комиссияси ишлаб турибди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан оилаларда аҳиллик, тинч-тотувлик ҳукм сурмоқда.

Қўйли Қобилов хотини билан чиқишмай қолди. Ҳеч муросага келай дейишмас, жаҳл уларнинг гўё кўзларини кўр қилиб қўйганди. 5 нафар фарзанд ота-она келишмовчиликларидан безор бўлишди. Комиссия аралашуви билан жанжал барҳам топди. Нима бўлди-ю, бинойидек яшаб юрган Боймурод Турдиалиев ичкиликнинг асирига айланди. Оиладан қутбарака кўтарилди. Пировардида уйдан гап чиқди. Эр-хотин муносабатларига дарз кетди. Масалага, эл-юрт аралашмаса бўлмайдиган. Яхши сўз билан илон инидан чиқар, деганларидек, Боймуродга кўпчиликнинг гапи кор қилди. Оила сақлаб қолинди.

И.НОРҚУЛОВА

НУКУС КЎЧАЛАРИНИНГ БИРИДА

Хизмат сафари билан Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, сафар қариш чоғида шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим. Нукуснинг серқатнов кўчаларидан бирида автоҳалокат туфайли институтга ошиқаётган ўсмирга ҳам жабр етди. У кўп қон йўқотган эди. Бундай пайтда ёрдамга ошиқадиган, амалий ҳаракат қиладиган одам кам топилади. Шундай пайтда йўловчилардан бири хушсиз ётган ўсмирни даст кўтариб, машина ўтқизганича касалхонага шошилди. У одамни билардим.

Кейинчалик суриштирсам, танишим – тадбиркор К.Бозоров ўсмирни касалхонага олиб боргач, унга қон берибди. Шу туфайли бир инсон ҳаёти сақлаб қолинибди. Орамиздаана шундай мард, олижаноб инсонлар борлигидан фахрланиб юраман.

И.ПЕТРЕНКО,
биолог

«Намангангаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасида 1977 йилдан буён пайвандчи-чилангар вазифасида ишлаб келаяпман. Кўп йиллик иш фаолиятим давомида корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузиладиган жамоа шартномаси иш берувчилар ва ёлланма ишчиларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжат эканлигининг гувоҳиман.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

меҳнаткашга нима бераяпти?

Жамоа шартномамиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тавсияси асосида тузилган бўлиб, 13 бўлим, 139 моддадан иборат. Мазкур ҳужжатда корхонамиз имкониятидан келиб чиққан ҳолда меҳнаткашларга турли имтиёзлар берилган. Масалан, мабодо корхона воситалари хусусийлаштириладиган бўлса уни сотиб олувчи корхонамизда 5 йил ишлаган бўлса 30 фоиз, 10 йилдан кўпроқ муддат ишлаётган бўлса 50 фоиз миқдорида арзонлаштирилган ҳолда олади. Шунингдек, корхона маъмурияти ҳар бир меҳнаткашнинг касби, мутахассислиги ва малакасига қараб иш билан таъминлаш кафолатини олган. 2004 йилда мазкур имтиёздан 150 дан зиёд киши фойдаланди. Улар учун янги иш ўринлари ташкил этилди.

Меҳнат таътиллари ҳам тасдиқланган режа асосида 30 кун этиб белгиланган. Агар ходим касалланиб, шифохонага ётса, унинг сарф-харажатлари корхона томонидан қопланади. Зарарли меҳнат шароитидаишловчилар рўйхат асосида сут ва сут маҳсулотлари, махсус кийим-бош ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиб келиняпти. Инсон саломатлиги учун зарарли шароитда ишлаётганлар ҳар йили бир марта тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Корхонамиз қошидаги санаторий-профилакторийда ишчи-хизматчиларимиз ўз саломатликларини тиклаш имкониятига эгалар. Ўтган йили бу ерда 300 дан зиёд ходим ва уларнинг оила аъзолари дам олишди. Корхонанинг Янгиқўрғон ва Мингбулоқ туманларида ёрдамчи хўжаликлари ҳам мавжуд. У ерда етиштирилаётган сабзавот ва полиз маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда жамоамиз аъзоларига сотилмоқда.

Корхонамиз меҳнаткашлари турли маросимлар ўтказишса улар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Кўриниб турибдики, биз қанчалик яхши ишласак жамоа шартномасидан ўрин оладиган имтиёзлар ҳам шунчалик кўпаяди. Ўтган «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан фақатгина хайрия мақсадлари учун 25 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Латифбой САТТОРОВ

АЙРИЛИҚ ЗАРБИ

воқеий ҳикоя

Тоғ ёнбағрида жойлашган Париқишлоқ ўзининг гўзал табиати, қайнар булоқлари, алпкелбат полвонлари ва паричеҳра қизлари билан машҳур. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъанага кўра биринчи қор ёққан кун катта майдонда полвонлар беллашуви ўтказилади. Бир куни кутилмаган воқеа юз берди. Ўртани бошқарувчи полвонларни даврага чорламасиданоқ қўшни тумандан келган барзанги йигит ўртага чиқди. У шашт билан беллашувга шайланган париқишлоқлик энг зўр полвоннинг курагини ерга текказди. Ҳамма ҳайрон. Наҳотки, шу «келгинди»нинг додини берадиган топилмаса. Йиғилганлар саросимада. Ҳозир ўртани бошқарувчи майдонга чорланганда талабгор топилмаса, қўшни туманлик полвон ғолиб. Ёшу қари вужудидан куч ёғилиб турган барзангига тикилганча ўйга толган.

– Борми талабгор!

– Бор!

Ҳамма товуш келган томонга ўгирилди. Шодмон тегирмончи курашга шайланарди. Полвонлар узоқ олишишди. Ниҳоят париқишлоқ вакили чиройли усул қўллаб, рақибини ерга қадади. Йиғилганлар қийқириғи бутун қишлоқни тутди. Ҳамма Шодмон полвонни зўр бериб олқишларди. Азамат Париқишлоқнинг обрўсини сақлаб қолганди-да. Энди бу гўшада ундан омадли, ундан бахтлиси йўқ. Давраларнинг тўри, тантаналарнинг зўри шуники. Қандай гапи бўлсин, ҳатто қайси бир қизга совчи қўймасин, йўқ дейишмайди, дейишолмайди.

Икки ҳафта ўтгач, полвон гўзал масканнинг эрка қизи Шодмонойга совчи қўйди. Ўртада энг боббрў нуронийлар туришди. Катта хонадон эгаларининг розилиги олиниб, тўй куни белгиланди. Полвоннинг ҳурмати бир гуруҳ ҳунармандлар қишлоқ чеккасидаги хонадонини таъмирлаб, кўрку файз бағишлашди. Барчани эсида қолган тўйда полвонлар беллашуви, улоқ ўтказилди.

Йиллар ўтди. Шодмон тегирмончи яхши ният билан теракзор ва сой ёқасида ажойиб боғ барпо қилди. Қўрада наслдор ҳисор қўйлар, саман отларни парваришлади. Бири икки бўлди. Аслида энди ундан бахтлиси йўқдек туюларди. Бироқ, қалбини бир нарса кемирар, муаммога чора тополмай жони ҳалак эди. Боиси, кампири у билан қанча яшамасин, чиройи очилмади. Бир кам дунё деганларидек, тўрт фарзанди бир ёшга етмаёқ оламдан кўз юмди. Онаизор пешонасига сиғмаган бешинчисини ҳам тупроққа топширгач кучдан кетди, сочлари қировдек оқариб, мунгли кайфиятга тушди. Шодмон полвон уй бекасининг кўнглини кўтариш, лоақал бир сония уни шодон кайфиятда кўриш учун жонини беришга ҳам тайёр эди. Ҳамқишлоқлар ҳам отага таскин бериш учун кампирининг фазилатларини таъриф-лаб мақташар, яхшиликларини эслаб дуо қилишарди. Бундан полвон ёш боладек қувонар, ташвишини унутиб эзгу ишларга киришиб кетарди.

Шодмон кампир ҳар жума қабристонга бориб, зиёрат қилишни одат қилди. Кунларнинг бирида:

– Катта сойга кўприк солинса одамларнинг узоғи яқин, мушкули осон бўларди, – деб қолди.

Полвон ўша куни ҳамқишлоқларини ҳашарга чорлаб, ишга киришди. Етилган тераклар асқотди. Хайрли ишга бутун қишлоқ бел боғлади. Бир ой деганда кўприк қуриб битказилди. Ундан биринчи бўлиб от аравада Шодмон ота ва Шодмон момолар ўтишди.

Қишлоққа меҳрини сочган, борини баҳам кўриб келаётган момо яна бир савобли ишга қўл урди. Шахсий жамғармаси ҳисобидан кўп болали оилалар фарзандларининг суннат тўйини ўтказди. Ҳисор қўйлар сўйилиб, кўпга ош тортилди. Шу куни ярим тунда Шодмон кампир бандаликни бажо келтирди.

Оқила, саришта аёл Шодмон полвоннинг бу ёруғ жаҳондаги қувончи, меҳр қўйгани, ягона суянгани эди. Не-не полвонларнинг курагини ерга теккизган, катта ишларнинг уддасидан чиққан полвон айрилиқ зарбига дош беролмади. Бир ойда тўкилиб тушди. Тўшакда уч кун ётиб, бандаликни бажо келтирди. Табаррук инсонни сўнгги йўлга кузатиш учун тумонат одам йиғилди. Қўшни туманлардан ҳам келганлар кўп эди. Шунда ҳамма ҳаётда эзгулик уруғини сочиб яшаган асло кам бўлмаслигини, эл ҳурматига сазовор бўлишлигини амалда исботини кўрди. Чол-кампир вафотидан сўнг қишлоққа аллақандай жимлик чўкди. Бир ой мобайнида ҳеч ким тўю тантана ўтказмади. Биринчи қор ёққанда ҳам полвонлар катта майдонда кўринишмади. Она қишлоқдан файз кўтарилгандек эди гўё.

Раҳима ЖЎРАҚУЛОВА

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

ИШЛОВЧИ ПЕНСИОНЕРЛАРГА ТЎЛИҚ ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: муассасаларда ишловчи қайси пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

С.ОБИДОВ,
Ангор тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги Фармонига асосан 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб ишлаётган пенсионерларга, яъни иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, уларга тенглаштирилганларга (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 3-илова), биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, Чернобил ҳалокатидан жароҳат олган шахсларга пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, қонунчиликка ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, пенсия олиб ишлаётган бошқа айрим ходимларга ҳам пенсияларни тўлиқ олиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб аёллар ёшга доир пенсияга чиққанларидан сўнг ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернатлари, Меҳрибонлик уйлари тарбиячилари, шунингдек, кутубхоначилар ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур кўрсатиб ўтилган мутахассисликлар бўйича камида ўн йиллик меҳнат стажига эга бўлганида уларнинг тўлиқ миқдорларда пенсия олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Кўрсатиб ўтилган мутахассислар қуйидаги лавозимларда ишлаганда улар пенсияни тўлиқ миқдорларда олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот, Меҳнат ва Молия вазирликлари томонидан 1999 йил 31 майда тасдиқланган ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларини тўлиқ миқдорларда тўлаш тартибида қуйидагича белгиланган:

– ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари (корхоналарнинг бўйсунишидан қатъий назар);

– тиббий регистраторлар, дезинфекторлар;

– барча турдаги тиббий ҳамширалар, Меҳрибонлик уйлари тиббий ҳамшираси, фельдшер, доя (акушерка), лаборант, рентгенолаборант, инструктор, тиббий статист, тиш техниги, тиббий-ижтимоий ходим;

– операция тиббий ҳамшираси, тиббий ҳамшира-анестезист, туғруқ уйи (бўлим)нинг дояси;

– санитар-шифокор, эпидемиолог-шифокор, паразитолог-шифокорларнинг ва энтомологнинг ёрдамчилари;

– катта тиббий ҳамшира, фельдшер, доя, ФАПнинг фельдшер ва дояси, тез ёрдам подстанциясининг фельдшери;

– ҳамшира иши мутахассиси;

– санитарка, энага, энага-санитарка, овқатлантирувчи;

– беморларга қаровчи кичик тиббий ҳамширалар;

– хўжалик бекаси, бошқа ўрта ва кичик тиббий ходимлар;

провизор:

– барча турдаги муассасалар (корхоналар) провизорлари;

меҳрибонлик уйлари ва ногирон болалар (интернат) уйлари:

– кўрсатилган уйлардаги ҳамда гўдаклар уйларидаги катта тарбиячилар ва тарбиячилар;

кутубхоначи:

– бош кутубхоначи, етакчи кутубхоначи, кутубхоначи, бош библиограф, етакчи библиограф, библиограф.

Кўрсатилган мутахассисликлар бўйича талаб қилинган меҳнат стажининг давомийлиги кўрсатиб ўтилган барча лавозимлардаги иш даврлари ҳисобга олиб аниқланади.

Бунда, аёл пенсияга чиқиш олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимлардаги иш даври 10 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлса ва пенсияга чиққандан кейин ҳам Фармонда назарда тутилган мутахассисликлардан бири бўйича ишни давом эттираётган бўлса, унга пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади.

Ушбу тартиб имтиёзли шартларда, яъни «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшдан (55 ёш) олдин пенсияга чиққан аёлларга ҳам қўлланилади. Бу Қонуннинг 14-моддасига асосан муддатидан олдин пенсияга чиққан аёлларга, пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи Қонуннинг 7 ва 12¹-моддалари билан белгиланган ёшга (54, 55 ёш) етганларидан кейин шу тартиб бўйича аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилнинг 23 апрелидаги ПФ-1990-сон «Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раисларига пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади.

Президентнинг 2004 йил 7 декабрдаги ПФ-3521 сон «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан 2004 йилнинг 1 декабридан бошлаб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга ёшга оид пенсиялари тўлиқ миқдорларда тўланади.

ПЕНСИЯГА УСТАМАЛАР

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: 1968 йилдан буён III гуруҳ меҳнат ногирониман. Ёшга доир пенсияга чиққанимдан кейин ногиронлик пенсиясини бермай қўйишди. Қонуннинг 28-моддаси «в» бандида III гуруҳ ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи устама ҳақ ва устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъи назар қўшиб ҳисобланиши белгиланган. Ушбу устама ҳақ пенсиямга қўшиб ҳисобланадими?

С. АРСЛОНБЕКОВА,
Қонликўл тумани

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланиши белгилаб қўйилган. Демак, сиз III гуруҳ ногиронлик пенсияси билан ёшга доир пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлганлигингиз ҳолда ёшга доир пенсиянинг миқдори III гуруҳ ногиронлиги пенсиясининг миқдоридан юқори бўлганлиги сабабли сизга ёшга доир пенсия тайинланган.

Юқорида айтиб ўтилган Қонуннинг 28-моддасида ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар қуйидаги шахсларга қуйидаги миқдорларда берилиши белгиланган:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;

в) III гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

д) I гуруҳ ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

з) II жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (агар кейин янги никоҳдан ўтмаган бўлсалар) - энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга - хизматларига қараб - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан - 150 фоизигача;

л) ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

м) театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстрларига, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхатга кўра - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш жоизки III гуруҳ меҳнат ногиронларига ушбу моддада устама ҳақлар берилиши назарда тутилмаган. 28-модданинг «в»-бандида эса III гуруҳ уруш ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида қўшимча берилиши назарда тутилган.

ИМТИЁЗ ЎРНИГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНАДИМИ?

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради



Савол: дипломда - «ўқитувчи» ёки «педагог», деб кўрсатилмаган бўлса коммунал хизматлари учун имтиёзлар ўрнига компенсация тўланадими?

Р. БОБОДЎСТОВ,
Самарқанд вилояти

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан қуйидаги шахсларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари тўлана бошланди:

- барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотга эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрларига;

- академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта махсус таълим муассасалари педагогик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

- педагогик маълумотига эга Меҳрибонлик уйи тарбиячилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологларига;

- педагогик маълумотига эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларига;

- педагогик маълумотига эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор методистларига;

- Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерларига;

- юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагогик ва илмий педагогик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга ҳам тўланади. Агар дипломингизда ҳақиқатан ҳам «ўқитувчи», - деб ёзилмаган бўлса Сизга компенсация пул тўловлари бериш назарда тутилмаган.



ЁШЛАР СЕВГАН КАСБ

Ёзёвон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи 2004 йилда Япония гранти лойиҳасига киритилди ва 800 миллион сўмдан ортиқ ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Мазкур ўқув даргоҳ 600 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳисобчи, молия, хўжалик ҳуқуқ фаолияти, менежмент, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва бошқариш, агрономия, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Ўқув даргоҳида 50 нафар турли тоифадаги педагог ва муҳандислар талабаларга илм ҳамда касб-ҳунар ўргатмоқда. Таъкидлаш керакки, коллежнинг химия, физика, агрономия, компьютер ва ишлаб чиқариш таълими бўйича амалиёт биноси замон талабларига жавоб беради. Шунингдек, ўқувчилар учун ётоқхона, спорт зали ва ошхонада етарли шароит яратилган.

Бундан ташқари, коллежнинг ўқув хўжалигида 60 гектар майдон мавжуд бўлиб, у ерда қўплаб қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилади. Биргина ўтган йили ушбу ўқув хўжалик майдонидан 7 милллион сўмдан ортиқ соф фойда олишга эришилди. Шунингдек, 9332 дона китоб фондига эга бўлган кутубхонада умумтаълим дарсликлари ва мутахассисликка оид китоблар етарлидир.

М.ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган суратлар

Мўйноқ туманидаги «Орол» ширкат хўжалигида янги фермерлар пайдо бўлди. Хўжаликнинг 740 гектар экин майдони тендер танловига қўйилганди. Синчков комиссия аъзолари талабгорларнинг ишбилармонлигини, техник имкониятлари ва ишчи кучини ҳисобга олиб, олти фермерга 200 гектар ер ажратиб берди.

«ОРОЛ»НИНГ ЯНГИ ФЕРМЕРЛАРИ

Танлов давом этмоқда. Ҳозир Қорақалпоғистонда ана шундай танлов орқали ташкил этилган 6 минг 679 фермер хўжалиги мавжуд. Биргина 2004 йилда саккиз юздан зиёд фермер хўжалиги тузилди. Бу йил паст рентабелли элликта ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилади. Айни чоғда уларнинг ер ва техника ресурслари танловга қўйилмоқда.

Қинғир ишнинг қийиғи

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР ФОШ ҚИЛИНДИ

Давлатимиз томонидан фуқароларнинг тадбиркорлик билан эркин, ҳеч қандай тўсиқларсиз шуғулланишлари қонун асосида кафолатланган. Бу юртимизда хусусий мулк эгалари сонининг кундан-кунга ўсишига замин яратмоқда. Бироқ ушбу имтиёзларни суиистеъмол қилиб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттиришга уринаётган кимсалар ҳам орамизда учрамоқда.

Бўлимимиз ходимлари бундай «учар»ларнинг нопок қилмишларига ўз вақтида чек қўйишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, тумандаги «Аср юлдузи» савдо фирмаси бошлиғи Камол Мейлиқулов ўтган йил 100 минг сўмлик тухум маҳсулотларини пойтахт бозорларида накд пулга сотиб, тушган маблағни банкка топширмай, сохта ҳужжатлардан фойдаланишга уринган. «Ободонгўштсутхарид» МЧЖ бошлиғи Абдиғаппор Рўзиевнинг эса чакана савдога рухсатнома олмаган ва назораткасса машинаси ўрнатмаган ҳолда ўз дўконида 27 минг сўмга савдо қилганлиги аниқланган. Ҳар иккала ҳолат юзасидан иш қўзғатилиб, қонунбузарлар қилмишига яраша жазо олишди.

Бунга ўхшаш ҳолатлар спирт ва спиртли ичимликлар савдосида ҳам кўзга ташланмоқда. Чироқчи шаҳридаги Б. Элмуродов кўчаси 3-қатор 9-уйда яшовчи Ихтиёр Маҳмудов ҳаром луқмага ўрганган текинтомоқлардан чиқиб қолди. У 180 литр спирт маҳсулотини қонунга хилоф равишда пуллаётган вақтида қўлга олинди. Фуқаро Шуҳрат Муҳаммадиев устамонликда ундан ҳам ўтиб тушди. Шоввоз 300 литр спиртни сотиш мақсадида олиб кетаётганда тумшуғидан илинди. Улар ҳам қонун олдида жавоб беришди.

Д. АЛИМОВ,
Чироқчи туман прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

Шарҳловчи минбари

Шу кунларда Непалда сиёсий беқарорлик авж олмоқда. Бунга сешанба куни мамлакат қиролининг Шер Баҳодир Деуб бошчилигидаги ҳукуматни истеъфога чиқаргани сабаб бўлди.

НЕПАЛДАГИ БЕҚАРОРЛИК

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, қирол Гянендра Бир Бикрам Шоҳ Дев яқин кунлар ичида янги ҳукумат шакллантирилишини маълум қилган. Янги ҳукумат 10 кишидан иборат бўлади ва унга қиролнинг ўзи бошчилик қилади.

Қирол Гянендранинг таъкидлашича, амалдаги ҳукумат демократияни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жорий йилнинг апрел ойида парламент сайловини ўтказиш борасида бепарволикка йўл қўймоқда. Бундан ташқари, мамлакатни айирмачи маочилардан ҳимоя қила олмаяпти.

Гянендра мамлакатда демократия ва кўппартиявийликни қўллаб-қувватлашини айтган бўлса-да, унинг гапларига кўпчилик ишонмаяпти. Муҳолифат вакиллари эса қирол ўз ваколатини кенгайтириш мақсадида бундай қарорга келганини таъкидламоқда.

Айтиб ўтиш жоиз, маочилар узоқ йиллардан буён мамлакатда мавжуд конституцион монархияга қарши курашиб келади. Ўзаро тўқнашувлар натижасида шу кунгача қурбон бўлганлар сони ўн мингдан ошиб кетди.

Шер Баҳодир Деуб икки ярим йил олдин ҳам истеъфога чиқарилган, лекин 2004 йил июн ойида яна ҳукумат раҳбари бўлганди.

Айни пайтда Непалда фавқулодда ҳолат жорий қилинган. Мамлакатдаги барча телефон алоқалари узиб қўйилди. Халқаро аэропортлар ўз фаолиятини тўхтатди. Пойтахт Катманду кўчаларини қуролланган ҳарбийлар назорат қилмоқда. Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг уйлари аскарлар билан қуршаб олинган. Улар амалда уй қамоғи шароитида турибди. Маочилар эса одамларни уч кунлик иш ташлаш эълон қилишга чақирмоқда.

(ЎзА)

НАВОИЙ НАЗДИДА КОМИЛ ИНСОН

Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашларини ўрганиш учун даставвал унинг нуқтаи назари, идеалидаги комил инсонлар кимлар бўлганлигини аниқлаб олиш керак. Навоийнинг ҳаётида уч буюк сиймо – Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Вали ва Абдураҳмон Жомийлар катта ўрин тутган. Шоир уларни бир умр ҳассос муҳаббат билан севди, бу буюк инсонларга юксак эътиқодини ҳар бир асарида у ёки бу даражада таъкидлаб ўтди, алоҳида боб ва фаслларда таъриф-тавсиф этди. Навоий идеалидаги комил инсонлар биринчи навбатда худди шу уч буюк авлиё эди. Шоир ақидасига кўра ҳақиқий етук инсон худди шулар сингари бўлиши, камолотга интилган киши улардан ўрнак олиши, уларга ўхшашга интилиши керак. Зеро, ҳам халқ, ҳам Ҳақ ризосига сазовор бўлган бу қудсий зотлар XV аср учун комиллик тимсоли эдилар. Улар йўлчи юлдуз каби одамларга камолот йўлини кўрсатиб турардилар. Шунинг учун биз Навоий идеалидаги комил инсонлар борасида тўхталар эканмиз, шу уч буюк зот хусусида фикр юритишга қарор қилдик. Албатта, Алишер Навоийни ҳам ана шу комил инсонлар жумласига киритамиз. Зеро, у эътиқод қўйган, амал қилган ва талаб этган шарту қоидалардан келиб чиқадиган бўлсак, Навоийнинг ўзи ҳам том маънодаги комил инсон эканлиги аён бўлади.

Абдураҳмон Жомий Навоий учун тариқатда– пир, адабиётда – устоз, ҳаётда – дўст мақомидаги улуғ инсон эди. «Хамса»нинг барча достонларида у ўз устозига махсус боб бағишлайди. «Насойим ул-муҳаббат» ва «Мажолис ун-нафоис» асарларида алоҳида ўрин ажратади. Бундан ташқари, ўзининг туркий ва форсий ғазалларида, «Туҳфат ул-афкор» қасидаси, «Арбаъин»да ҳам Жомий ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиради, уни таъриф-тавсиф этади. «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» асарини эса бевосита Абдураҳмон Жомийнинг баркамол инсон, буюк ижодкор, чин дўст ва меҳрибон устоз сифатидаги хислат-фазилатлари тасвирига бағишлаган. Жомий ҳаётдан кўз юмганда унга атаб оташин марсия ёзади.

Бу икки буюк санъаткор ижодий режаларини ўзаро маслаҳатлашганлар, ёзган ҳар бир асарларини бир-бирларининг назаридан ўтказиб турганлар. Бу ижодий ҳамкорлик икки томонлама бўлган, яъни шогирд сифатида фақат Навоий маслаҳат сўраб, Жомий йўл-йўриқ кўрсатибгина қолмай, ўз навбатида, Навоий ҳам устозига қимматли маслаҳатлар берган ва Жомий уларни инобатга олган. Жомий Навоийнинг илтимоси бўйича ёйинки унга бағишлаб йигирма еттита форс тилида китоб ва рисолалар ёзди. Жомийнинг ёзган ҳар бир нарсасини ўзининг назаридан ўтказишни Навоий ҳам «Ҳайратул-аброр» достонида таъкидлайди:

Номағаким, роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин.

«Насойим ул-муҳаббат»да Навоий Жомийнинг расман нақшбандия шайхи Саъдиддин Қошғарийнинг муриди бўлса-да, аслида увайсий эканлиги – Хожа Баҳоуддин Нақшбанд руҳониятидан тарбия топганлиги, замонасининг Хожа Абу Наср Порсо, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний, Шайх Баҳоуддин Умар, Хожа Муҳаммад Кусавий, Мавлоно Боязид Пуроний сингари донгдор машойихлари назарига етиб, улардан баҳраманд бўлганлиги тўғрисида ёзади.

«Ҳайрат ул-аброр» достонида шоир «васфи васфга сиғмас ва таърифи таърифга рост келмас» ўз устозини тариқат қутби, ҳақиқат сирларини кашф этган зот, деб улуғлайди, кўксини – ҳақиқатлар дурининг садафи, қалбини – маънолар жилва кўрсатадиган кўзгуга ўхшатади. Бу тушунчаларнинг барчаси сўфиёна мазмундаги истилоҳ ва таърифлар бўлиб, улар тасаввуфда ҳақиқат босқичини босиб ўтган қудсий зотларга нисбатан қўлланади. Демак, Навоий наздида Жомий тасаввуфда олий мақомга эришган, ўзининг малакий хулқи ва сифатлари билан нафақат халқ, балки Ҳақ муҳаббатини ҳам қозонган зот:

Улки, бу кун қутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул.
Кўкси ҳақойиқ дури ганжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойинаси...
Мадрасаи қудс анинг маскани,
Хонақаҳи унс анинг маъмани

Бу ерда мадрасаи қудсдан мақсад – Жомийнинг Ҳақ муқаррблари сафидан жой олгани бўлса, хонақаҳи унс – унинг оллоҳ йўлида дунё ва жисмдан фард бўлганига ишора.

«Ҳайрат ул-аброр»даги Жомий қулбаси таърифи билан «Фарҳод ва Ширин»даги Суқрот ўтирган ғор тавсифи, Жомийнинг тасаввуфдаги мақоми билан Суқротнинг камолотидаги мартабаси ўртасида баъзи бир ўзаро муштаракликлар мавжуд. Жомий каби Суқротнинг ҳам қалби – олами кубро (Маълумки икки дунё сир-асрорини англаб етган ориф кўнгли тасаввуфда олами кубро – катта олам, унинг қошида бу дунё олами суғро – кичик олам, деб аталган):

Жаҳонни қўйки, олий шон вужуди,
Жаҳонда олами кубро намуди.
Келиб кўнгли анингдек баҳризоҳир,
Ки андизоҳир аввал то ба охир

Шу ўринда, Суқрот сиймосида Навоий ўзининг пири ва устози, нақшбандия тариқатининг муршиди комили Абдураҳмон Жомийни тасвирламаганмикан, деган бир фаразни айтиб ўтмоқчимиз. Бу билан шоир балки Жомийнинг ҳам Суқрот даражасига етганига ишора қилгандир.

«Фарҳод ва Ширин»да Жомийни «фано тимсоли» деб атайди ва комил инсонга хос қуйидаги сифатлар билан таъриф-тавсиф этади:

Фано мулкида жисми уйла фоний
Ки, фаҳм айлаб саводи аъзам они...
Ўзин худ бир жаҳони бегарон бил,
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил...
Жаҳон йўқ, олами кубро де они.
Жаҳонда мақсади ақсо де они

Тасаввуфда дунё севгиси, нафс ҳоҳишлари, жисм талаблари – ҳаммаси ўзлик деган битта сўзда мужассам бўлиб, ўзликдан кечиш, ўзликдан қутилиш дегани одамни олам билан боғлаб турган мазкур барча занжирларнинг узилиб, унинг илоҳий олам сари парвозининг бошланишидир. Бу сўфиёна тушунчада фано деб аталиб, дунёвий иштиёқ-интилишларнинг тубан зиндонидан руҳоний-илоҳий муҳаббатнинг олий осмонига юксалган комил инсонлар мақоми ҳисобланади. Чунончи, келтирилган мисолда Жомийнинг олам ичида яшаб туриб оламдан мосуво эканлиги, ўзликни йўқотиш натижасида фано мамлакатида борлиги йўқликка баробар бўлганлиги хусусида сўз боради.

Навоий ўзини – мурид, Жомийни – пир эканлигига ишора қилади ва «риндлар сархайли Жомий» қўлидан муҳаббат майини ичишга орзумандлик қилади:

Навойким, муриду бандасидур,
Иродат йўлида афгандасидур...
Кетургил, соқий, ул жоми киромий,
Ки, тутсун риндлар сархайли Жомий

«Лайли ва Мажнун» достонида Жомийни «валийлик осмонининг жаҳонга нур таратувчи юлдузи», «ҳидоят маъданининг гавҳари сероби», «маънолар жомининг тоза май ичувчи ринди» сифатлари билан тилга олади, унинг оёғи теккан ер, у қатнашган давра «давр аҳли учун ҳалқаи саодат»-дейди:

Каъби ери давраи иродат,
Давр аҳлига ҳалқаи саодат.

Жомий Навоий учун ҳам, замондошлари учун ҳам комилликнинг тирик тимсоли эди. Шу боис унинг ўзи ҳалқдан узилган, саройга яқинлашмаганлигига қарамай, халқ ҳам ҳукмдорлар ҳам Жомийнинг зиёратини канда қилмаганлар. Шоҳлар ҳам, гадолар ҳам унинг остонаси тупроғини кўзларига тўтиё қилар эдилар.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди
(Давоми бор)

БИРИНЧИЛИК ЯКУНЛАНДИ

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида 9-12 ёшли ўсмирлар ўртасида таэквондо бўйича вилоят очиқ биринчилиги якунланди.

Икки кун давом этган мусобақада ўғил болалар ўртасида Ш.Содиқов, С.Хабибуллин, Н.Исаев, С.Тай, Х.Норматов каби ёш таэквондочилар совринли ўринларни қўлга киритди.

Қизлар ўртасида кечган беллашувларда Р.Вилданова, З.Шокиржонова, Д.Маражапова, Н.Турсунбоева, Д.Раҳимова, К.Пухова ҳамда Ш.Дадаева ўз вазн тоифасида барча рақибларини доғда қолдирди.

Умумжамоа ҳисобида ўрта чирчиқлик ёш спортчиларга тенг келадиган жамоа топилмади. Кейинги ўринлар Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти жамоаси вакилларига насиб этди.

РАВИЛЬ РЕКОРД ЎРНАТДИ

Москва шаҳрида сузиш бўйича жаҳон кубогининг олтинчи босқичи ташкил этилди. Унда юртимиз шарафини Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари - Равиль Начаев, Андрей Морковин, Олег Пухнатий, Иброҳим Назаров, Ирина Шлемова ҳамда Максим Шилов ҳимоя қилди.

Ҳамюртларимиздан энг яхши натижани Сидней ва Афина Олимпиадаси иштирокчиси, Осиё ўйинлари ғолиби Равиль Начаев қайд этди. Моҳир сузувчимиз 50 ва 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича мусобақанинг финал босқичига йўлланма олди. Шунингдек, у ҳамюртларимиздан биринчи бўлиб эркин усулда 100 метрлик масофани 49,8 сонияда босиб ўтиб, шахсий рекордини ўрнатди.

(ЎзА)



Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Истеъдод

ХОНҚАНИНГ ЗАРДЎЗ ҚИЗЛАРИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг изчил амалга оширилаётганлиги ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол қилиб тарбиялаш, истеъдодли, билимдон, келажаги порлоқ йигит-қизларни вояга етказиш имконини бераяпти.

Теварак-атрофи мевазор боғлар билан ўралган кўркам бино халқ хўжалиги учун билимли ва малакали кадрлар тайёрлайдиган маънавият ва маърифат масканига айланган. Бундан 4 йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган Хонқа маиший хизмат касб-ҳунар коллежи жамоаси давлат таълим стандартлари, янги педагогик технологиялар асосида иш олиб бориб, асосий эътиборни ватанга садоқатли, аҳлоқ ва одобли, ижтимоий фаол, маънавий дунёқараши кенг, маданиятли, жисмонан ва руҳан тетик ёшларни тарбиялашга қаратмоқда.

Коллежда таълим олаётган 737 нафар ўғил-қизлар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Талабалар тикувчилик, умумий овқатланиш, радиотелеаппаратуралар фаолияти ва ишини юритиш, ёнилғи-мойлаш материаллари, ЭҲМ компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш, молия, менежмент, бухгалтерия ҳисоби каби 15 йўналиш бўйича илм ва ҳунар асосларини эгаллайдилар. Уларга 67 нафар малакали муаллимлар таълим-тарбия беряпти. Педагог-мутахассисларнинг 3 нафари фан номзоди, 8 нафари олий, 15 нафари биринчи тоифали мутахассислардир.

– 600 ўринли коллеж қурилишига 700 миллион 954 минг сўм маблағ сарфланган ва уни жиҳозлаш учун қарийб 85 миллион сўмлик – Жанубий Корея давлати кредити бўйича замонавий жиҳозлар олинган, – дейди таълим муассаса раҳбари Гулсара Аҳмедова.– Кимё, биология, физика, радио-электроника, информатика, хорижий тил ўқув хоналари давлат таълим стандартларига мос равишда керакли жиҳозлар билан таъминланган.

«I даражали Соғлом авлод» ордени соҳибаси Гулсара Аҳмедова раҳбарлик қилаётган аҳил ва иноқ жамоанинг саъй-ҳаракатлари билан касб-ҳунар коллежи Хоразм вилоятида энг нуфузли ўқув даргоҳи деб топилди. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, илмий-услубий фаолият самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кўриляпти. Ҳомий олийгоҳ – Урганч давлат университети билан ҳамкорликда табиий, касбий таълим, ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраларининг ташкил этилиши янги истеъдодларни рўёбга чиқариш, илмий-услубий қўлланмалар яратиш, ижодий изланишлар олиб боришга ижобий таъсир кўрсатаяпти. Фан номзодлари Муҳаммадёқуб Бозоров, Хушнуд Ёқубов, Ортиқ Бектурдиевлар илмий тадқиқотларини изчиллик билан давом эттиришяпти.

Педагог-мутахассислардан Меҳрибон Аминова, Зебо Аллаберганова, Замира Салоева, Муяссар Йўлдошевалар «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловларида ғолибликни эгаллаган бўлсалар, кимё фанидан Полвонназар Сетимов, информатикадан Мақсуда Сетимова, «Ўрта мақсус касб-ҳунар таълими аълочиси» Собиржон Юсупов, инглиз тили муаллимаси Гулчеҳра Бекжонова, иқтисодчи Ислом Юсуповларнинг янги педагогик технологиялар асосида яратган дастур ва қўлланмалари касб-ҳунар коллежлари орасида кенг оммалаштирилди.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга алоҳида эътибор бериляпти. Миллий кийим-кечаклар гуруҳи талабаси Қувончой Матёқубова «Йилнинг энг яхши мутахассиси», электрон ҳисоблаш машиналари ҳамда компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш гуруҳидан Мурод Латиповлар ҳам ўз йўналишлари бўйича пухта билимга эга эканликларини намойиш этдилар. Гулноза Шарипова «Энг яхши китобхон», Инобат Бекжонованинг «Энг талантли санъат ихлосманди» эканлиги маълум бўлди.

Ўтган даврда коллежни 425 нафар йигит-қиз битириб чиққан бўлса, улардан Отабек Қурбонов, «Обиҳаёт ЛТД» корхонаси электрмонтёри Ғанишер Собиров, «Хонқасавдо» масъулияти чекланган жамияти сотувчиси Эргаш Ҳамроев каби ўнлаб ёшлар касб-ҳунар коллежининг собиқ битирувчилари ҳисобланади.

Назарий билимлар амалда мустаҳкамланяпти. Асли самарқандлик, қўлигул ҳунарманд Муҳаббат Хушвақтова бошчилик қилаётган «Зардўз қизлар гулдастаси» гуруҳида шуғулланаётган 20 нафар ёшлар тайёрлаган келинкуёв сарполари, тўн ва нимчалар, зардўзи дўппилар, миллий кийим-кечаклар одамлар эътиборини тортади.

Миллий ҳунармандчилик гуруҳи устаси Қувончой Матёқубованинг таъкидлашича, Дилафрўз Эшчанова, Фазилат Болтаева, Инобат Қозоқова, Ҳоважон Шарипова, Гулноза Эгамбердиева ва Шаҳноза Рўзметоваларнинг қўлида сайқал топган бадиий буюмлар тажрибали ҳунармандларникидан қолишмайди. Бундан ташқари, бир йўла бир неча хил жараёнларни бажарадиган «Зингер» машинаси ўрнатилган бўлиб, 40 дан ортиқ қизларга Султонбой Раҳимов, Манзура Искандарова, Дилафрўз Абдуллаевалар тикувчилик сирларини ўргатишяпти. Аҳолига кийим-кечак ва бадиий ҳунармандчилик буюмлари сотувидан 5 миллион 200 минг сўмлик фойда олинди.

Ўқув муассасаси жойлашган Сарапиён қишлоғида 15 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Коллеж раҳбарияти бир неча халқаро университет ва институтлар билан биргаликда «Аёллар ва эркаклар кийим-кечаклари тикиш» курсини ташкил этди. Махсус гуруҳга маҳаллий хотин-қизлардан 30 нафари қабул қилинди. Эндиликда маҳаллий ёшлардан Саодат Қозоқова, Дилбар Нуруллаева, Рашида Мавлонова, Муҳайё Салоева сингарилар машғулотларда фаол қатнашмоқдалар.

Талабаларга 100 ўринли ётоқхона, 200 хўрандага мўлжалланган ошхона, 16 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона, 20 дан ортиқ фан кабинетлари, замонавий спорт мажмуаси хизмат кўрсатяпти.

Урганч-Тошкент автомагистралининг 14 километрида замонавий меъморчилик андозалари асосида барпо этилган улкан иморат қад кўтарган. Атрофида минглаб мевали дарахтлар, анвойи гуллар экилган тўрт гектарли кўркам боғ жойлашган.

— Мевазор боғ ва хушманзара гулзорни яратишда коллежимизнинг собиқ раҳбари, халқ таълими жонкуяри Сотимбой ака Раҳимовнинг хизмати катта, – дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Собиржон Юсупов. – Серманзара дарахтзорларни кўрган, турфа хил мевалардан баҳраманд бўлган, анвойи гуллар бўйидан тўйиб нафас олган ёшларнинг кайфияти кўтарилиб, ҳаётга қизиқиши, келажакка ишончи янада ошади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Маънавият сабоқлари

ЭЛГА ҚАНОТ ЙИГИТЛАР

Адабиёт ўқитувчимиз ҳар гал дарс бошлашдан аввал бизга ривоят айтиб берарди. Ўша ривоятлардан бири ҳамон ёдимда.

Қадимда бир кишининг ёлғиз ўғли бўлиб, ўта инжиқ ва ишёқмас, бирдан бир орзуси хазина топиб, бой бўлиш-у, сўнг беташвиш яшаш экан. Бола шу қўйи улғайибди. Ота энди чинакамига ташвишга тушибди. «Бунақада ўғлим хароб бўлади, мен уни қутқаришим керак!» дебди. Сўнг ўғлини ёнига чақириб: «Хув анави дала ортидаги тепаликни кўряпсанми?» – деб сўрабди. «Кўряпман,» – дебди ўғил. «Худди ўша тепаликда илгари бир бой яшаган. Айтишларича, у ўлими олдидан бор хазинасини шу тепаликка кўмган экан. Сен ўша хазинани топишинг керак!» – дебди. Ўғил кетмонни қўлига олиб тепалик томон кетибди. Ўн кун вақт ўтибди, йигитнинг қўллари қавариб, тепалик текисланибди-ю, лекин бир тангаям топилмабди. Ўғли жаҳли чиқиб отасига: «Нега мени алдадингиз?» – дебди. «Хазина фақат ўша ерда, уни топиш учун у ерга дон экиш керак» дебди ота. Ўғли худди шундай қилибди. Ҳосил жуда мўл бўлиб, ота ва ўғил чунонам бойиб кетишибди...

– Хўш айтинг-чи, йигит хазинани топа олдими? – сўрарди ўқитувчимиз.

Биз бараварига жавоб берардик:

– Топди! Меҳнатдан топди!

– «Йигит кишининг моли ерда» деган нақл ўша замонлардан қолган, – дерди ўқитувчимиз ва навбатдаги дарсни бошлаб юборарди.

* * *

Бир куни мактабдан қайтаётсам, қўшнимизнинг ҳовлиси томондан майин алла эшитилди. Шаҳрибону ая тол шохидаги беланчакни тебратиб, ғўдагини аллаларди:

– Хазон тўкмас боғимсан, аллаё,
Таянганда тоғимсан, аллаё.
Суюкли бўл, ўктам бўл, аллаё,
Алпомишдай ўғлон бўл, аллаё...

Кечқурун отам ишдан келишлари биланоқ шоша-пиша сўрадим:

– Айтинг, Алпомиш ким бўлган ўзи?

– Асли исми Ҳакимбек. Етти ёшида бобосидан қолган ўн тўрт ботмонли парли ёйни тортиб, қўйиб юборганида, ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб, Асқартоғнинг каттакон чўққиларини юлиб ўтган. Шунда халойиқ болага тўқсон алпнинг бири деб баҳо берган. Алпомиш кучли, довюрак бўлиб вояга етган...

Шунда мен ўйланиб қолдим. Синфимиздаги ҳамма ўғил болаларнинг қиёфаси бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди. «Йўқ. Уларнинг ҳеч бири Алпомишга ўхшамайди!» дедим.

Йиллар ўтгач, англаб етдимки, ўзбек йигитларининг томирларида фақат Алпомишлар қони оқади. Чин эр йигитлик фазилатлари уларга боболардан мерос. Лекин ўғлонлардаги шу гўзал сифатларни юзага чиқармоқ фақат тарбия жараёнида амалга оширилади.

* * *

Санам момо гоҳо қишлоғимиз болаларини йиғиб, уларга шундай насиҳат қиларди:

– Ҳалол бўлинглар. Агар бировнинг бир сўмлик буюмига кўз олайтирсанглар, эртасига ўн сўмлик нарсани йўқотасизлар. Ҳар бир эгриликка Аллоҳ томонидан жазо бор!

Шундан сўнг юз бора такрорлаган – ўша ривоятни яна қайта айтиб берар эди.

Қадимдан ўғриликда айбланган бир йигитни дор тагига келтиришгач, «Сўнгги тилагингни айт?» дейишибди. «Онамни кўрмоқчиман», дебди у. Шўрлик онани олиб келишибди. Йигит онаси билан видолашаётиб унинг тилидан шартта тишлабди. «Нега бундай қилдинг?» дея сўрашибди атрофдагилар даҳшатга тушишиб. «Уйга илк бор ўғирлик мол келтирганимда онам шу тиллари билан мени мақтаган эди. Агар ўшанда қаттиқроқ койиганида мен бу кун дор тагида ўлимимни кутиб ўтирмаган бўлардим», – дебди йигит.

Санам момо шу ривоят орқали ҳар биримизга ҳалоллик тарбиясини бериб борар эди...

* * *

Адабиёт ўқитувчимиз дарсга кириши биланоқ «Бугун иншо ёзамиз», – деди. Кейин доскага йирик ҳарфлар билан мавзуни ёзди: «Ватан қаердан бошланади?»

Синфга жимлик чўкди. Орадан бир неча лаҳзалар ўтди ҳамки, бирортамиз иншони қандай бошлаш кераклигини билмасдик. Ҳар биримизнинг кўнглимиздан оғир, изтиробли ўйлар кечар эди: «биз Ватан деган оддий ва улуғ сўзнинг мазмунини наҳот шу вақтгача тушуниб етмадик?!»

Иншо бошқа кунга қолдирилди.

Йиллар ўтди. Ўша воқеа сабаб бола кўнглимизга муҳрланган Ватан туйғуси ўзимиз билан бирга улғайди. Нигоҳларимиз каби кенгайиб, фикрларимиз янглиғ теранлашиб борди бу туйғу...

Гоҳо ўйланаман. Ватан қаердан бошланади, аслида? Шунда юртга суянч бўлгулик ўғлонларни тарбиялаётган миллат оналарига хаёлан сўзлайман: «Сиз бешик бошида айтган аллаларингизга Ватан сўзини қўшиб айтинг, ҳар сўзингиз, ҳар ўгитингиз, ҳар бир кўз қарашларингизда шу сўзнинг бўйлари кўриниб турсин. Ғўдагингиз шу сўзнинг бўйларига қараб қаддини ростласин, шу сўздан қувват олиб ўссин!»

Ватан аслида шу юрт ўғлонларининг юрагидан бошланади...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 115 123456